



## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ:

# ЯНГИ УҒҚ ВА МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 май куни илк расмий ташриф билан Вашингтонга келди.

Вашингтон, 16 май.  
ЎЗА махсус муҳбири Абу Бакр ЎРОЗОВ  
хабар қилади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16 май куни Америка Қўшма Штатлари Президентининг расмий қароргоҳи – Оқ уйда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп кутиб олди.

Кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасида давлат раҳбарлари даражасида мулоқотлар мунтазамлик касб этмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари икки марта – май ойида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида ҳамда сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Нью-Йоркда учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқалар ва истиқболдаги режалар хусусида суҳбатлашди.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Жорий йил март ойида Президент Дональд Трамп Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳрида ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция арафасида мактуб йўллади.

Уша мулоқотларда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди. Марказий Осиёда хавфсизлигини таъминлаш, Афғонистондаги вазиетни барқарорлаштириш, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қaratилди.

АҚШ Президентини Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва кооперацияни фаоллаштиришга қaratилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга хизмат қиладиган очиқ ва конструктив ташқи сиёсати ҳамда фаол саяб-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш, айниқса, минтақавий ва халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар бўйича икки давлат раҳбарларининг қараш ва ёндашувлари муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўзаро аниқлашув, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли режаларини биргаликда қўриб чиқиш мақсадида Президент Дональд Трамп Ўзбекистон раҳбарини АҚШга расмий ташриф билан келишни таклиф қилди. Ўзбекистон Президенти томонидан мамнуният билан қабул қилинган ушбу таклиф олий даражадаги мулоқотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувида Дональд Трамп мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада мустақамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларни амалга оширишда биргаликда ишлагандан мамнун эканини қайд этди.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасининг кўпни давлатлар мустақиллиги ва худудий яхлитлиги, шунингдек, Марказий Осиёда янада тараққиёт элтириш ва минтақавий ҳам-ҳаракатликни мустақамлашга йўналтирилган саяб-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, деди Дональд Трамп.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмоннавозлик учун АҚШ Президентига миннатдорлик билдирди.

2017 йилда бўлган учрашув ва телефон мулоқотлари чоғида муҳокама этилган масалаларни бугун маромига етказиш кўп қиррали ҳамкорлигимизни жадал ривожлантиришда янги қадам бўлади, деб ўйлайман, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ўзбекистон ва АҚШдаги Президент сайловларидан кейин мамлакатларимиз муносабатлари янги босқинга кўтарилди. Бугун қабул қилинадиган “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши” номили Қўшма баёнот ўз номи ва маҳияти билан кўп нарсани аниқлади. Томонларнинг узок келажакка мўлжалланган интилишларидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал асослари ўзгармасдан қолишни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларини янада кенгайтириш, ҳар томонлама ҳамкорликни изчил мустақамлаш ва ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар мустақамлашни Америка бизнесининг юртимизда узок мuddатли фаолиятни йўлга қўйиши ҳамда АҚШнинг етакчи корпорация ва компаниялари билан инвестициявий-технологик ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустақамлаш каби масалаларга устувор аҳамият қаратилади.

Президентимизнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли минтақа давлатлари ўртасида Ўзаро ишонч мустақамлашди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлақлари, савдо алоқалари, худудлар ҳамкорлиги каби кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратишини яна бир бор таъкидлади. “Марказий Осиёнинг қок марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққиёт этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустақамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёриз”, деди давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Минтақамиздаги ижобий ўзгаришларни Президент Дональд Трамп алоҳида эътибор этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Дональд Трамп музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидида давом эттирдилар.

Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга қаратилди. Вазирлик ва компаниялар, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, юқори технологиялар, савдо-саноат, ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1998 йилдан буён энг кўп қўлайлик яратиш тартиби

амал қилмоқда. Ўзбекистонда америкалик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 181 корхона фаолият қўрсатмоқда. Уларнинг 46 таси тўлалигича ушбу мамлакат капитали асосида тузилган.

Ўзаро савдо транспорт ва транспорт коммуникациялари, фармацевтика, автомобилсозлик, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Ташкил этилганига йигирма йилдан ошган Америка – Ўзбекистон савдо палатаси бугун иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланди. Айни пайтда АҚШнинг “Boeing”, “General Motors”, “General Electric”, “CNH Industrial”, “Hayatt”, “Hilton” ва бошқа кўплаб йирик компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Музокарада томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятлар қўлғи, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манfaat келтириши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқин ҳамкорлик қилиш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзоланган ва уларнинг умумий қиймати 4,8 миллиард долларни ташкил этиши қайд этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз хиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгаширининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини мамнуният билан қайд этдилар. Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак беришга тайёр эканини билдирди.

Давлат раҳбарларининг “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши” деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки давлатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида савдо-иқтисодий, электротехника, фармацевтика, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узок мuddатли ҳамда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларда янги уғқ ва марралар сари дадил қадам экани алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи яримида давлатимиз раҳбари Артур Сақлар галереясига ташриф буюрди. Галерея коллекцияси Осиё халқлари санъати асарларидан иборат 10 мингга яқин экспонатни ўз ичига олган.

Президентимиз галереяда сақланаётган ўзбек тўқимачилик буюмлари намуналарини кўздан кечирди. Марказий Осиё бўлимидаги миниатюра ва кўлэмалар билан танишди.

Вашингтонда АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

2018 йил 16 май куни

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қабул қилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Оқ уйга илк тарихий ташрифи Ўзбекистон шерикликнинг янги даврини очиб берди.

Музокаралар давомида Президент Д.Трамп Ўзбекистоннинг мустақиллиги, худудий яхлитлиги ва суверенитетига қатъий содиқлигини таъкидлади. Президент Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда эришилаётган узок ютуқларни эътибор этди. Президентлар кенг жабҳадаги ўзаро устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияга янги баъзи бағишлаш мақсадида икки томонлама муносабатларни янги мулоқот асосида мустақамлашга келишиб олдилар.

Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишда эришилаётган прогресс орқага қайтмаслик хусусиятига эга эканини эътибор этди. У давлат органлари халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйишлари лозимлигини таъкидлади. Президент Ш.Мирзиёев ташаббус билан қабул қилинган беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда очиқ ва конструктив ташқи сиёсат олиб боришни илгари суриши таъкидланди.

Президент Д.Трамп терроризмга қарши курашишда Қўшма Штатларнинг Ўзбекистон билан азалий шериклигини қайд этиб ўтди. 2001 йил 11 сентябрдаги муҳим воқеалардан сўнг, Ўзбекистон АҚШга ўта муҳим логистик имкониятни тақдим этганига ҳамда “Ал-Қоида” террорчиларини Афғонистондан сиқиб чиқаришда кўмак кўрсатгани таъкидланди. Президент Ш.Мирзиёев ташриф давомида Президент Д.Трампнинг Жанубий Осиё бўйича стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади ҳамда икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш, масъулиятни тақсимлаш ва минтақавий хавфсизлик масалаларини ҳал этиш, шу жумладан, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини муҳокама этди.

Президент Д.Трамп қучли ва мустақил Марказий Осиёнинг муҳимлигини қайд этди ҳамда Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрда бўлиб ўтган Самарқанд конференциясида муҳокама қилинган Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг ҳамкорлик мулоқоти йиғилишини ўтказиш бўйича саяб-ҳаракатларини мамнуният билан қараш олди. Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг март ойида Қозғонистоннинг Остона шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этганига ва у минтақаларо савдон ривожлантириш ва хавфсизликка оид таҳдидлар бўйича биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очиб берганини қайд этилди. Президент Д.Трамп ушбу муҳим мулоқотда Ўзбекистон асосий роль ўйнашини эътибор этди ҳамда Қўшма Штатлар “С5+1” минтақавий формати орқали ҳамкорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлашини билдирди. Президентлар Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги кўп томонлама ҳамкорлик форматларида иштирок этишини қўллаб-қувватладилар.

### Минтақавий ҳамкорлик

Президент Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёевни халқаро ҳамжамиятнинг “Толибон” афғон ҳукумати билан тинч музокараларни бошлаши лозимлиги тўғрисида ягона позициясини таъкидлаган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” маърузида 2018 йилдаги Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан қўтлади. Президент Ш.Мирзиёев ва Президент Д.Трамп Афғонистон хавфсизлик қучлари ва тинч аҳолига қарши қаратилган жirkanч террорчилик ҳужумларини қаттиқ қораладилар ҳамда Афғонистон дуч келаятган хавф-хатарларга барҳам бериш бўйича мулоқотни кенгайтиришга содиқ эканликларини билдирдилар. Президент Ш.Мирзиёев Афғонистон ҳукуматини тўлиқ сиёсий қўллаб-қувватлашини эътибор этди ҳамда 2017 йил декабрда Афғонистон Президенти Ашраф Фанининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифини ҳамда унинг яқини бўйича ҳукумат ўртасида савдо айланмасини кўпайтириш ва ўта муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан бир қатор битимлар имзоланганини муҳокама қилди. Президент Д.Трамп Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларда муҳим роль ўйнаётганини эътибор этиб, мамлакатнинг Афғонистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга қаратилган саяб-ҳаракатларини олқишлади. У Ўзбекистон томонидан режалаштирилаётган Афғонистондаги темир йўл ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга сиёсий ва консултатив кўмак кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

Президент Ш.Мирзиёев Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга хисса қўшаётган Шимолий таъминот тармоғини қўллаб-қувватлашда давом этишини таъкидлади. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистон билан чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда гиёҳвандлик воситалари нарқонуний муомаласининг олдини олишда яқиндан ҳамкорлик қилишлари эътибор этилди.

(Давоми 2-бетда)

### XXI аср саҳоси

Барча маъбалардан олинган сўнги хабарлар

#### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Жиззах шаҳрида перинатал маркази ис бошлади.** Республика иҳтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалига қарашли уч қаватли бинони реконструкция қилишга 5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Марказ 155 ўринга мўлжалланган. 40 ўринга ҳомиладорлар патологияси, катталар, чақалоқлар реанимацияси, қабул

ва бошқа бўлимлар аҳоли хизматида.

• **Фаргона шаҳридаги “Темурбеклар мактаби”да Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан “Тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида бирлашайлик” ширини остида кўргазмалли сайёр амалий семинар бўлиб ўтди.**

• **Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Наманган шаҳридаги “Ҳидоа” ўрта махсус ислом билим юртига диний-маърифий ва бадиий адабиётлар туҳфа қилинди.**

• **“Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси маълумотларига кўра, бугунги кунда худудда умумий қиймати 196,2 миллион долларлик 60 лойиҳа амалга оширилмоқда. Яқинда эркин иқтисодий зона худудидида даст-**

лабки тўрт корхона ўз фаолиятини бошлади.

#### ЖАҲОНДА

• **Хитойда замонавий робот техникалари бўйича бешинчи халқаро саммит бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг ушбу соҳа ривожланган 18 етакчи мамлакатдан бир ярим мингга яқин иштирокчи ўзининг сўнги ишланмаларини намойиш этди. Саммит яқунларига кўра, инсонларга хизмат қилувчи роботлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беришлари ва бу соҳада истиқболли изланишларини давом эттириш лозимлиги қайд этилди.**

• **АҚШнинг шимолий қисмида об-ҳавонинг кескин ўзгариши катта мураккабликларни**

келтириб чиқарди. Хусусан, қучли шамол, дўл ва тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Пенсилвания штатларида 500 мингдан ортиқ хонадон электр қувватидан узилиб қолди, аэропортларда 500 дан ортиқ рейслар бекор қилинди. Табиат ичжиқлиги туфайли икки киши ҳаётдан кўз юмди.

• **Конгода Эбола безгаги қайд этилди. Эпидемия тусига кираётган ушбу хавфли юқумли касалликдан ҳозиргача 19 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан мамлакатга зудлик билан замонавий вакциналар ажратилиб, врачлар гуруҳи жўнатилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккала давлат раҳбарлари экстремизм ва халқаро терроризмни қораладилар ҳамда умумий таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини қайд этдилар. Улар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган келишувларни амалга оширишга содиқ эканликларини билдирдилар ҳамда беш йилга мўлжалланган илк ҳарбий ҳамкорлик Режасини амалга татиқ қилиш орқали мудофаа соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкиддилар.

### Ислохотлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш

Президент Д.Траммп "виждон маҳбуслари"нинг озод қилиниши, болалар меҳнатидан мунтазам фойдаланишни тугатилгани ва мажбурий меҳнат қўламини қисқартиришда эришилган сезиларли ютуқларни қайд этган ҳолда, Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатни яхшилашга қаратилган кенг ислохотлар дастурини мамнуният билан қарши олди. Ушбу ютуқлар иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиши таъкидланди. Президент Д.Траммп давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва ички барқарорликни таъминлашнинг асосий омили сифатида давлатнинг халқ олдидаги ошқоралиги ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбарлари асосий инсон эркинликларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, диний эркинликни илгари суриш бўйича кон-

структив ҳамкорликни фаоллаштириш тарафдоридирлар. Президент Ш.Мирзиёев диний эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли "йўл харитаси"ни ҳаётга татиқ қилишга қатъий тайёр эканлигини эътироф этди.

Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиغان Халқаро таълим бўйича Америка кенгашиларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини олқийладилар. Президент Д.Траммп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда қўмақ кўрсатишга тайёр эканлигини эътироф этди ҳамда "Америка овози"нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинганлиги ва унинг Америка оммавий ахборот воситалари учун ушбу мамлакатда кенг имкониятлар яратишини юқори баҳолади.

### Иқтисодий ҳамкорлик

Президент Ш.Мирзиёев ва Президент Д.Траммп ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва иккала мамлакатда иш ўринларини яратишга қўмақлашадиган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини ўрганишга қатъий тайёр эканликларини таъкидладилар. Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистонда ошқоралик ва ҳисобдорлик халқаро стандартларини жорий қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда АҚШ компаниялари ва инвесторларига мамлакат бозорига кириш имкониятини тақдим қилишга тайёр эканлигини билдирди. Давлат раҳбарлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар. Ташриф давомида Ўзбе-

кистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва улар ҳаётга тўлақонли татиқ қилинган тақдирда, 4,8 миллиард доллар миқдорда баҳоламини ва АҚШда 10 минг иш ўрнини сақлаб қолиши ҳамда келгусида бир неча миллиард доллар миқдордаги шартномалар учун имкониятлар яратиши мумкинлиги эътироф этилди.

Д.Траммп Президент Ш.Мирзиёевнинг ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлади ва Ўзбекистоннинг иқтисодий лидер сифатида ўсиб бораётган ролинини эътироф этди ҳамда жорий йилда мамлакатда Марказий Осиё савдо форумини ва Марказий Осиё давлатлари билан АҚШ ўртасида савдо ва инвестицияларга оид ҳадли битим бўйича Кенгаши йиғилишини ўтказиш юзасида Ўзбекистоннинг таклифи бундан далолат беришини таъкидлади. Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига интилаётганини эътироф этди, Президент Д.Траммп Ўзбекистон ўз савдо режимини ташкилот нормаларига мувофиқ либераллаштириш бўйича кун тартибда ислохотларни амалга оширгани сайин АҚШ унга техник қўмақ кўрсатишини таъкидлади. Ўзбекистон Фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенцияси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг интернет бўйича шартномаларига қўшилиш орқали интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқ эканлигини билдирди. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш икки томонлама савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги имкониятларни очиб учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

### Фармон ва ижро

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

**Бугунги кунда ахборот технологиялари ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Деярли ҳар кун биз замонавий ахборот манбалари орқали унинг у ёки бу хизматидан фойдаланамиз. Шундан келиб чиқиб мамлакатимизда иқтисодий тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини изчил қўллаш ва такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Жумладан, Давлат солиқ хизмати органларининг барча электрон давлат хизматлари "Электрон солиқ хизматлари" my.soliq.uz портали орқали кўрсатиб келинмоқда. Қисқа давр ичида Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази асосида алоҳида инфратузилма, витрина маълумотлар базаси, хизматларни бошқаришда қўлланиладиган дастурий махсулотлар ҳамда улар ёрдамида электрон хизматларни бошқариш, сифат кўрсаткичларини мониторинг қилиш, фойдаланиш статистикасини шакллантириш ва энг асосийси, вертикал назорат олиб боришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуричилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизматлар кўрсатишга тўлиқ ўтиш вазифалари белгиланган. Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитасининг "Электрон давлат хизматлари" my.soliq.uz портали орқали 30 дан ортиқ турда электрон давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июлдаги Қонуни билан Солиқ кодексига янги "22-1. Солиқ тўловчининг шахсий кабинет" моддаси киритилди. Солиқ тўловчининг шахсий кабинети тушунчасининг киритилиши билан солиқ тўловчилар билан деярли барча муносабатларни электрон шаклда ҳам амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Ушбу хизматларнинг афзаллик тарафи шундаки, солиқ тўловчилар бевосита давлат солиқ хизмат органига таш-

риф бюрмасдан "Солиқ тўловчининг шахсий кабинети" орқали мурожаатларни, солиқ органларида ҳисобга туриш, назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш, ортиқча солиқ тўловларни қайтариш тўғрисида аризаларни, солиқ ҳисоботлари ва декларацияларни давлат электрон кўри-нишида юбориш, солиқ қарзи мавжуд эмаслиги, солиқ органларида ҳисобга турганлиги (СТИР), Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлганлиги тўғрисида ва бошқа маълумотномаларни олиш мумкин.

Шу билан бирга ушбу хизматлардан фойдаланишда умумий маълумотлар олиш учун электрон рақамли имзо талаб этилмаса, персонал маълумотлар олиш учун электрон рақамли имзо талаб этилди, бу эса ҳар бир солиқ тўловчи тўғрисида маълумотларнинг бошқа шахсларга ошқор этилишининг олдини олади.

Таъкидлаш лозимки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари ўртасидаги электрон шаклда амалга оширилмаётган барча мулоқотларни электрон шаклга ўтказиш юзасидан доимий равишда ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат солиқ хизмати органларининг "Электрон солиқ хизмати" портали солиқ мажбуриятларини бажаришнинг ишончли ва қулай усули бўлиб, ушбу портал солиқ тўловчиларнинг, айниқса тадбиркорлик субъектларининг солиқ органларига ташрифларини камайтиришга, натижада вақт, сарф-ҳаражатларини тежашга олиб келиб, тадбиркорлик фаолиятининг самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Шавкат ТУРДИЕВ,  
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари**

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕХНОПАРКЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда "Huawei Tech Investment Tashkent" МЧЖ хорижий компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.**

Ўзбекистон делегациясининг ушбу компаниянинг Шэньчжэн шаҳри (Хитой)даги штаб квартирасига ташрифи доирасида имзоланган меморандум Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда "Huawei Tech Investment Tashkent" МЧЖ хорижий компанияси ўртасида телекоммуникация ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа истиқболли соҳаларига инновацион ечимлар ва технологияларни жорий этишга йўналтирилган ҳар томонлама ҳамкорликни кўзда тутди. "Huawei" компаниясининг экспорт имкониятлари ва-

зирикнинг илмий-тадқиқот салоҳиятини ошириш имконияти беради. Технопарк ва инновацион марказлар концепцияси биргаликда ишлаб чиқилади, "ақлли шаҳарлар" барпо этиш жараёнига илғор технологиялар жорий қилинади.

Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги, хусусан, "Huawei" компанияси қўмағида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига юқори технология марказ ва лабораториялар очишни режалаштирмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари самардорлигини оши-

ришга қодир инновацион ечимлар ишлаб чиқарилиши таъкидланди. Бундай технологик янгиликлар мавжуд ишлаб чиқариш жараёнида ўзгартириш, уларнинг чиқитисиз ишлашини таъминлаш, харажатлар ва яроқсиз махсулотнинг салмоқли фоизини камайитиришга имкон беради. Бу масалада инновацион ечимлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширувчи йирик хорижий компанияга тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

Роман БОНДАРЧУК

### Секторлар фаолиятдан

## АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бўйича жойларда секторлар ташкил қилиниб, мавжуд муаммоларга ечим топилмоқда. Ушбу қарор худудларнинг янада обод бўлишига хизмат қилмоқда.**

Бугун жойларда сектор раҳбарлари ҳонадон-ма-хонадон юриб, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганмоқдалар. Баъзи муаммолар жойида ҳал қилиниб, қолганлари "йўл харитаси"га киритилмоқда.

Якқасарой туманида 21 та маҳалла бўлиб, улар 4 та секторга бўлинган. Аҳолининг тўпланиб қолган муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида тумандаги Шоҳжаҳон маҳалла фуқаролар йиғини биносидан сектор ҳамда округ раҳбари, коммунал соҳа ва банк мутасаддилари иштирокида очiq мулоқот бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, Шоҳжаҳон маҳалла гузари қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган. Маҳалла ҳудудига 16 та ховли, 39 та кўп қаватли уйлар қарайди. Уларга 6 та ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Худудда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Сайёр учрашувга асосан Аския кўчаси 40, 42, 46 ҳамда Бобур кўчаси, 34-уйда яшовчи фуқаролар таклиф этилди.

Очиқ мулоқотни сектор раҳбари Ғ.Досмухамедов бошқарди. Уйма-уй юриб, ўрганилган муаммолар бўйича ҳонадон эгаларига сўз берилди.

Йиғилишда аҳолининг бир қатор муаммолари тўпланиб қолганлиги маълум бўлди. Масалан, Шоҳжаҳон кўчаси, 4 "а" 10-хонадонда яшовчи Р.Нигматулиннинг уйда қиш мавсуми давомида иссиқлик тизими умуман ишламаган. Собiq ширкат раҳбари айби билан бепар-

воликка йўл қўйилган. Бу уйга "Шоҳжаҳон коммунал сервис" ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Унинг хозирги раҳбари Р.Ражабовнинг айтишича, эндиликда муаммо дастурга киритилган, смета ҳужжатлари ҳам тайёр, яқин кунларда муаммо ҳал қилинади. Аския 34-уй, 12-хонадонда яшовчи Р.Абдуллаева томондан чакка ўтиш масаласини кўтарди. Бу уйга хизмат кўрсатувчи "Абдо Лочин коммуналчи" ХУЖМШ раҳбари масалага бепарқ қараган. Очиқ мулоқотда аҳолининг шу каби қатор муаммолари кўриб чиқилди.

Санобар Алимқуловаман, Бобур кўчаси, 34-уйдан келдим. Сергелидаги янги уйларга ариза берганман. Икки хонали уйда фарзандларим билан яшайман. Энг катта фарзандим 25 ёш. Келин туширишга шариот йўқ. Йиғилишда ушбу муаммони кўтардим. Сектор раҳбари бу масalani ўз назоратига олди.

Йиғилишда бундан ташқари тозалик, ободончилик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Бу каби учрашувларни сектор ҳудудига қарашли Бобур, "Дамарик", Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Сулаймон, "Богсарой" каби маҳаллаларда ҳам ўтказдик, – дейди сектор раҳбари Ғ.Досмухамедов. – Жойида ҳал қилиниши имкони бўлган муаммолар жойида ҳал қилиниб, масулларга тегишли топшириқ берилмоқда. Топширик ижроси назоратга олинган.

З.ШАРИФҶОНОВ

## ПРЕЗИДЕНТГА ТАКЛИФ КИРИТИШ АМАЛИЁТИ ЯРАТИЛАДИ

**Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгиллаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролинини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди.**

Ушбу кенгашга фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мунтазам равишда хабардор қилиш ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қулай шароитлар яратиш юзасидан Президентга таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Фармон билан ННТ фаолиятига доир камчилик ва тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб янгича тартиб ўрнатилади. Хусусан, ННТларга маълум даражада қийинчиликлар келтириб чиқаришга сабаб бўлиб келаётган тадбирларни келиши тартиби бу ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилди.

Соҳадаги ортиқча қоғозбозликка барҳам бериш мақсадида 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ННТлар ва уларнинг рамзлари давлат рўйхатидан ўтказилади.

Қайта рўйхатдан ўтказиш, ННТларнинг ўтказилиши режалаштирилатган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш, ННТларнинг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботлари, ННТлар томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишиш электрон тарзда амалга оширилади.

ННТ томонидан пул маблағлари ва ўз мол-мулкдан эркин фойдаланишини таъминлаш мақсадида ННТларга хорижий субъектлардан келиб тушган пул маблағлари ва мол-мулкдан фойдаланиш бўйича (рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилган давлат сўнг) барча тўсиқлар олиб ташланади.

Шунингдек, ННТлар эндиликда ўзларига маъқул ва қулай бўлган банк хизматидан фойдаланиши мумкин. Чунки ННТларга ажратилган хорижий грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг исталган банк муассасасида очилган махсус ҳисоб-варақларига келиб тушишига ружусат берилди.

ННТлар томонидан ишчи-ҳодимларга ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорда қўлланилиши ННТларга ҳомийлик ва аъзолик бўлишида келиб тушадиган пул маблағларини манзили етказилишида узиллишларга сабаб бўлаётган эди. Шунга кўра, фармон тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган маблағлар учун ННТ ягона ижтимоий тўлов ставкасини 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди.

Амалдаги "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонун талабларига кўра, жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммасининг барча харажатлари суммасининг 20 фоиздан ошмаслиги лозим эди. Бу эса, фонд томонидан ўз ҳодимларини фонд уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги меҳнатларини рағбатлантиришда маълум қийинчиликлар келтириб чиқарар эди.

Шу муносабат билан фармонда жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 20 фоиздан 30 фоизга оширилган бўлди.

ННТ пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўлиниши каби имкониятлар амалиётга жорий қилинмоқда.

Фармон билан ННТларнинг энг асосий муаммоларидан бири бўлган бино масаласи "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этиш орқали янгича усул билан ҳал қилинади. Мазкур уйлардаги хоналар ННТларга ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўлланган ҳолда берилади.

Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан олиб борилаётган ҳақида хос меҳнатни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўркак нишони таъсис этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган фармон ННТларнинг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини қучайтиришга хизмат қилади. Бу эса уларнинг янада самарали фаолият олиб боришига замин яратади.

Ҳажонгир УЗОҚОВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ЭЪТИБОРДА

### Ўзбекистон истеъмолати товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ижтимоий ҳамкорлар иштирокида Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад – меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда ишчи-ходимлар саломатлигига хавф солувчи факторларнинг олдини олиш ва иш жараёнида соғлом муҳитни яратишдан иборатдир. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар ходимларга муносиб меҳнат шaroитини яратиш, иш жойида ходимлар руҳиятига таъсир этувчи омиллар, уни бошқариш усуллари, барта- раф этиш механизмлари ва ишчи-ходимларнинг иш жараёнида самарали меҳнат фаолияти олиб боришлари учун унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Халқаро меҳнат ташкилотининг ташаббуси билан 2003 йилдан буён 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кун сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана арафасида дунёнинг юздан ортқ мамлакатлари, шу жумладан юртимизда ҳам иш жойларида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларига чалинишнинг олдини олиш ҳамда меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади. Яна шуниси эътиборга молики, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, амалга киритилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги

томонидан касба уюшмалари иштирокида ишлаб чиқарилаётган меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонун ости ҳужжатлари бўйича алоҳида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Соҳани тартибга солувчи корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари иш-ни ташкил этиш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқитиш, билимларини синош, давлат экспертизаси ўтказиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш аудити тартиблари бўйича янги қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳақида тушунчалар берилди.

Давра суҳбатида корхоналарнинг иш берувчилари ва ходимлар ўртасида соғлом, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларининг тажрибалари ўрганилиб, долзарб таклифлар билдирилди.

Баҳс-мунозараларга бой тарзда ходимларга яратилган муносиб меҳнат шaroитлари, иш ўринларининг хавфсизлиги масалалари тахлил қилиниб, мулоҳаза юритилди, тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар намунали ташкил этилаётгани эътироф этилди. Шу билан бирга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида касба уюшмаларнинг амалга ошираётган ишлари алоҳида қайд этилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал давра маддаларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш каби масалаларда касба уюшмалари тизимида мингдан зиёд ходимларнинг иш ўринларининг хавфсизлиги, коллеж битирувчиларига яратилган хавфсиз меҳнат шaroитлари ўрганилгани ва иш берувчи- лар тегшли таклифлар киритишгани маълум қилинди.

Шунингдек, давра суҳбати доирасида тармоқ касба уюшмаси Республика Кенгашининг Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юза- сидан республика кўрик-танловининг номинациялари бўйича фойдаланиш тақдирлаш маросими ўтказилди. Танлов якунига қўра, голибларни тақдирлаш анъананага айланган бўлиб, бу ходимларни рағбатлантириш йўлида қўйилган яна бир амалий қадамлардан бири ҳисобланади.

Тадбир доирасида республикамизнинг турли жабҳаларида фаолият юритиб келаётган давлат корхона ва ташкилотлари ўзларининг кўргазмалы материаллари билан қатнашди. **Зарина РУСТАМОВА**



**“Ўзбекистон ва Хитой: “Бир макон, бир йўл” ташаббусини ҳамкорликда амалга ошириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси делегацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида учрашув ўтказди.**

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Учрашувда институт фаолияти, хитойшуносликни ўрганиш тарихи ва бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти шарқ тиллари, хусусан, хитой тили, маданияти ва тарихини ўргатадиган мамлакатимиздаги етакчи олий таълим даргоҳларидан биридир. Ҳозирги кунда институтида 405 талаба хитой тилини асосий хорижий тил сифатида, 322 талаба иккинчи тил сифатида ўрганмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари билан бирга уч нафар хитойлик ўқитувчи талабаларга хитой тилини ўргатади.

– Муассасамиз Хитойнинг ўнта олий ўқув юрти билан ҳамкорликни йўлга қўйган, – дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Фойиб Езиев. – Сўнгги беш йилда 80 га яқин талаба Хитой Халқ Республикаси гранти асосида ушбу мамлакатда тахсил олди. Жорий йилда яна 30 га яқин талаба Хитойга ўқишга юборилади.

Учрашувда “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида алоқаларни янада кенгайтириш, талабалар алмашинуви, илмий ва техник ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди. Делегация аъзолари Шанхайдаги бир қатор олий ўқув юртини билан Тошкент давлат шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда яқиндан қўмақлашишни билдирди.

Меҳмонлар хитойшунослик факультети фаолияти билан ҳам таънишди. Институт қошидаги Ўзбек – Хитой Конфуций номидagi институт ҳақида маълумот берилди.

Делегация аъзолари, шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

**Г. САТТОРОВА,**  
**ЎзА мухбири**

## Хабарлар оқидамида ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

### Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши тузилди. Жамоатчилик кенгаши раиси этиб тадбиркор Ҳикмат Абдурахмонов тайинланди.

Жамоатчилик кенгашида Тошкент шаҳрини ривожлантириш, уни “XXI аср шаҳри”га айлантириш, сўнгги технологик ютуқларни жорий этиш, шаҳар бошқарувининг шаффоқлигини таъминлаш, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қулайликлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиладиган ва яратилган жорий этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади. Жамоатчилик кенгаши фаолиятида ташаббускор, катта билим ва тажрибага эга бўлган юртдошларимиз ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари қатнашиши мумкин. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Жамоатчилик кенгаши фаолиятида қатнашиш учун ўз таклифларини Жамоатчилик кенгаши раиси Ҳ.Абдурахмоновнинг электрон манзилига юборишига мумкин. Электрон манзил: [hikmat@abdurahmonov.uz](mailto:hikmat@abdurahmonov.uz)

## МАХСУС БАННЕРЛАР БИЛАН ЎРАЛАДИ

### Бундан буён пойтахтимизда қурилиш, реконструкция, капитал таъмир ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган барча объектлар атрофи ягона стандартлардаги оқ баннер билан ўралади ва унда амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот келтирилади.

Яъни бу ерда қандай объект қад ростлаши, унинг лойиҳаси, кўриниши, бу ишлар қачон якунланиши ҳақида тўлиқ маълумотлар жойлаштирилади. Бу билан биринчи навбатда турли объектларни инсталланган тўсиқлар билан ўрашнинг олди олинса, иккинчидан шаҳардаги ўзгариш ва янгиланишлардан пойтахт аҳоли ва меҳмонларини хабардор қилишга эришилади.

## АНИҚ ТАКЛИФЛАР БЕРИЛАДИ

### Жорий йилнинг 13 май кунини ёққан ёмғир пойтахт марказию чекка ҳудудларда ҳам каттаю кичик кўлмаклар ҳосил қилиб, транспорт воситалари ҳамда аҳолининг ҳаракатлинишига қийинчиликлар туғдирди.

Савол туғилади, нима сабабдан бундай ҳолат юзага келади, уни бартараф этиб бўлмасмикан? Бунинг сабаблари кўп. Масалан ёмғир-қор сувларини тортит кетишга мўлжалланган шаҳарнинг дренаж-лоток тизими жорий ҳолати табиат инжикликлари олдида ожиз қолмоқда. Бунинг учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳарнинг аҳолиси ва меҳмонларидан сўз сўрайди.

Ана шунда ёмғир сувларига мўлжалланган қувурлар бўлиши ва сув тўпланиб қолишининг олдини олиш алоҳида инobatта олинади. Бошқа ташкилот ва фуқаролар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида эса айнан шаҳар режасига қўра қурилган юзлаб ёмғир сувига мўлжалланган қувурлар кўмиб юборилгани кузатилади.

Юртимизда, хусусан, пойтахтимизда баҳор ва куз ойларида ёгингарчилик кўп кузатилишини инobatта олсақ, айни шу даврда баъзи ҳамшаҳарларимиз томонидан қилинган нотўғри хатолаш кўпчилик учун ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб ҳамда фуқаролардан келиб тушаётган кўплаб таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, шаҳар дренаж-лоток тизими объектларининг ҳолатини ўрганиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида махсус ишчи гуруҳ тузилмоқда. Ишчи гуруҳ таркибига тегишли тўман ҳокимлик, Ободонлаштириш бошқармаси, “Сувсос” корхонаси ва ташаббускор шахслар экспертлар сифатида жалб қилиниб, яқинда кўрсатилган ҳолатларнинг келгусида такорланмаслиги бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиладиган ва баҳарлиги таъминланади.

Ҳайлаймизки, ёгингарчилик кузатиладиган сув тошқинларидан азият чекмаслик учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар билан бирга пойтахтимиз аҳоли ҳам бундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олишда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Ахборот хизмати**

## Таълим

# ФАНЛАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА КЎРГАЗМАЛИК АСОСИДАГИ ДАРСЛАР

### “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, дарс жараёнида янги инновацион технологияларни жорий қилиш, таълим муассасаларида илғор тажрибаларни омалаштириш, таълим-тарбия самардорлигини ошириш, юксак маънавиятли авлодини тарбиялаш педагог кадрлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Тарих фани ўқитувчиси бўлганим боис таълим соҳасидаги инновационлар менга ҳам янада масъулият юклайди. Ўз устимда ишлайман, тарихий манбаларни мутолаа қилиш билан бирга таълим соҳасидаги янгиликлар, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, тахлил қилиб бораман. Бугунги кун ўқувчиси эзук, ҳозиржавоб, тахлил қила билувчи ва ўқитувчиси саволларга кўмиб ташлайдиган, ўта қизқувчан болалардан ташкил топган. Шу тўғрисидаги дарсларни кўргазмалилик ва фанлараро алоқадорлик асосида ташкил этаман. Янги мавзунини ўқувчиларга етказишнинг замонавий усуллари кўлламан.

Аждодлар жасорати акс эттирилган расм ёки диафильмлардан парчалар орқали тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ўқувчилар кўз ўнгига янада равшан гавдаланади. Булар ҳақидаги бадий фильмдан парча кўрсатиш, ёдга олиш орқали ўқувчилар бадий адабиёт билан уйғунлиқда мавзунини янада чуқур ўзлаштирадilar.

Дарсларни кўргазмали ташкил этишда фанлараро алоқадорлик ўқувчилар дунёқарашини кенгайтирувчи омиллардан биридир. Адабиёт, география, музыка, тасвирий санъат каби фанларни уйғунлаштирилган ҳолда дарсни юштираш режалаштирилганда “Европада уйғониш даври маданияти” мавзуси билан бирга Марказий Осиё халқлари уйғониш даври маданияти ва санъати тарихига мувожаат қили-

# МАЪМУРИЙ НАЗОРАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### Маълумки, жамиятда жиноятчиликни тағ-томири билан тугатиб бўлмайдди, бироқ, давлатнинг мавjud куч ва воситалари орқали уни муайян даражада ушлаб туриш мумкин. Айни пайтда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини тўлақонли ва самарали амалга оширишда Жиноят қонунини нормаларининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш ва уларни тўғри қўллашдир, чунки содир этилган ҳуқуқбузарликка тўғри баҳо бериш зарур ва ҳал қилувчи шарт сифатида унинг белгиларини аниқ ижтимоий-ҳуқуқий тахлил қилиш билан боғлиқ.

Маъмурий назорат қоидаларини бузиш жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 226-моддасида ижтимоий хавfli сифатида белгиланиб, ушбу ижтимоий хавfli жиноятга жиноий жавобгарлик ва жазо белгиланиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги қонунига қўра маъмурий назорат тарбиявий ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган таъсир чораларининг йиғиндиси бўлиб, назорат остидаги шахсларга маъмурий чеклашлар татбиқ этиш белгиланган.

Ушбу қонунга мувофиқ, маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар томонидан такор жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олишини шакллантиришдан иборатдир.

Маъмурий назорат жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда ҳулқ-атворини кузатиш, улар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш ва уларда ижобий-ижтимоий дунёқарашни шакллантириш мақсадида суд томонидан олти ойдан бир йилгача бўлган муд-

датга ўрнатилади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдиминомасига биноан хар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташлиниши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Назорат остидаги шахс ўзига белгиланган вақт ичида жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний манфаатларига пугур етказётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган тақдирда маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади.

Мазкур жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифини ёритишда акс эттирилган қоидалар маъмурий назорат қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларни қонунга ҳилоф қилмиш сифатида илмий тасаввуларни шакллантириш, шунингдек, ушбу жиноятни квалификация қилиш қоидаларини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлай- миз.

**Ш. ТўРАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**ИИВ Академияси курсант**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЛОЙИХАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Миробод филиали биносида реставрация ва қайта тиклаш ишлари олиб борилиши муносабати билан ушбу ишлар бўйича лойиҳа- смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй.  
Телефонлар: 215-59-45, 299-78-16.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва кор- хона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

**Қамола САБИТОВА,**  
**Сергели туманидаги 300-ДИУ**  
**мактабининг тарих фани**  
**ўқитувчиси**

“Кафил суғурта” МЧЖ Тошкент вилоятини агент- лигида қатъий ҳисобда турувчи Аҳолининг турар- жой иморатлари ва уй-рўзгор буюмларини комп- лекс суғурта қилиш бўйича 31 (ўттиз бир) дона полислар йўқолганлигини маълум қилади. Ушбу полислар 17.05.2018 йилдан ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.


АММ: №0079744,	0079781,	0080168,	0085395,
0085544,	0085394,	0085668,	0085822,
0085823,	0085825,	0085841,	0085844,
0085846,	0085848,	0085849,	0086016,
0087702,	0087703,	0087704,	0087705,
0087706,	0087707,	0087710,	0087720,
0087723,	0087727,	0087737,	0087747,
0087749,	0087772,	0087887,	

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

“Темурбеклар мактаби”да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт ишлари, маданият, соғлиқни сақлаш бошқармалари, ички ишлар бош бошқармаси, мудофаа ишлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида “Бургутлар” ҳарбий-спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи ташкил этилди.

Мусобақа “Моҳир мерган”, “Тўсиқлардан ошиб югуриш”, “Жабранувиغا биринчи ёрдам кўрсатиш”, “Миналаштирилган ҳудудда ҳаракатланиш”, “Сафда қўшиқ айтиш”, “Махфий пароллар билан ишлаш”, “Ҳарбий унвонлар тури ва ҳарбий лавозимлар”, “Ўзбекистон рампалари”, “Рақиб жамоа байроғини эгаллаш” шартлари бўйича ўтказилди. Бундай тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсад академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибли қилиш ва ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда ёшларни спорт ўйинларида оммавий жалб қилиш, дастлабки ҳарбий ва психологик тайёргарликка эга ватанпарвар, маъсуляти, қийин ва экстремал вазиятларда тўри ҳаракатланган кўнжималарини эгаллаган, баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Қизгин ва мurosасиз курашларга бой тарзда ўтган мусобақада туман босқичларида голибликни қўлга киритган 11 та жамоа иштирок этди ва Сергеи тумани жамоаси 1-ўринни, Шайхонтоҳур тумани жамоаси 2-ўринни, Чилонзор тумани жамоаси 3-ўринни қўлга киритди.

Пойтахтимизда спорт курашлари бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Иордания, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Мўғлистон, Покистон, Сингапур, Сурия, Таиланд, Тожикистон, Туркменистон, Тайвань ва Яман давлатларидан келган полвонлар ўртасидаги баҳслар кескин ва мurosасиз ўтди.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Юнон-рум кураши баҳсларида 60 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Асилбек Нейматов олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, финалга қадар барча рақибларини мағлубиятга учратган Амирбек Султонов ва Муҳаммадали Сайдуллаев кумуш медал билан тақдирланди. Чемпионатда Аброр Атабаев, Лазизхон Ўзбеков, Аброрбек Нурмухаммедов, Бекзод Аҳмедов ўз вазн тоифаларида бронза медалига сазовор бўлди. Аёллар кураши бўйича 40 килограммгача вазн тоифасида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилган Мунождотхон Самиева финалда мўғлистонлик Номун Батсайханни енгиб, олтин медал соҳибига айланди. Шохидда Аҳмедова ва Светлана Окназарова каби курашчиларимиз Осиё чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди. Вазни 48 килограммгача бўлган эркин курашчимиз Умиджон Жалолов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳибига айланган бўлса, 51 килограмм вазн тоифасида Арслон Раҳимов Осиё чемпиони бўлди. Эркин кураш бўйича ўтган беллашуларда 80

килограммгача вазн тоифасида Муҳаммадрасул Раҳимов финалга қадар муваффақиятли иштирок этиб, шохсупаниннг иккинчи поғонасидан жой олди. Шунингдек, полвонларимиздан Азизбек Файзуллаев, Сарварбек Худойбергенов, Миркамол Бешимов ҳамда Шохжаҳон Авазов ўз вазн тоифаларида терма жамоамиз ҳисобига бронза медални келтирди. Шу тарихида, спорт курашлари бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида полвонларимиз жами 4 олтин, 5 кумуш ва 8 кумуш медални қўлга киритди. Чемпионат якунига қўра, юнон-рум курашида Асилбек Нейматов (-60 кг), аёллар курашида Шохидда Аҳмедова (-49 кг) ва Светлана Окназарова (-73 кг), эркин курашда Умиджон Жалолов (-48 кг) III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинлари йўланмасини қўлга киритди. Осиё чемпионати олтин медали ва III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинлари йўланмасини қўлга киритганимдан хурсандман, дейди Асилбек Нейматов. Энди Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этишга ҳамда ушбу мусобақада зафар қучишга ҳаракат қиламан.

Жавоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА мухбири

ТАБИАТНИ БИРГАЛИКДА АСРАЙЛИК!

Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида экологик саводхонлик, онг ва маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғибли қилиш орқали атроф ва табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлишга кўникма ҳосил қилиш мақсадида “ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқроқ хайрия жамоат фонди ва Шайхонтоҳур туманидаги 484-мактабгача таълим муассасаси билан ҳамкорликда “Экология ҳафталиги” доирасида “Ер умумий ўйини – уни биргаликда асрайлик!” мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Ушбу анжуманга тайёргарлик жараёнлари доирасида ташкил этилган табиатга алоқадор, болажонлар чизган расмлари ва ота-оналар билан биргаликда барглардан тайёрланган аппликациялар, муассаса раҳбариятининг йиллар давомида бирга ўтказган тадбирларида “ЭКОСАН” фонди томонидан совға қилинган адабиётлардан жамланган “Экологик адабиётлар кутубхонача”си, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди гранти доирасида ушбу Фонд тайёрлаб, чоп этилган экологияга оид адабиётлар ва рангли плакатлар кўргазмалари тадбир мазмунини бойитди ва файз бағишлади. Байрам якунида боғча мудири Нигора Алиханова, “Жангтоҳ” маҳалла фуқаролар йиғинининг мутахассислари Фотима Абдуллаева ва Саида Фозурвалар болажонларга табиатни асраш борасида ўз ўйин ва насихатларини изҳор этиб, ўтказилган сериэмун тадбир учун ташкилотчилар ва иштирокчиларга ташаккурларини билдирди. “ЭКОСАН” фонди томонидан 484-мактабгача таълим муассасасида кўп йиллик самарали меҳнатлари учун ҳурмат қозонган ва Фонд билан узвий мулоқотда бўлган Нигора Алиханова, Наталья Матвиенко ва Лобар Аҳмедоваларга фахрий ёрликлар топширилди. Ўтказилган ушбу байрам тадбири мамлакатимизнинг келажак куртаклари вакиллари қалбига табиатни севиш руҳини янада қучурроқ синдиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига ишончимиз комил. Мирқарим МИРСОВУРОВ, “ЭКОСАН” халқроқ хайрия жамоат фонди матбуот хизмати раҳбари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛОЙИХАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Уч Қаҳрамон кўчаси, 7-уйда жойлашган “Узсанотқурилишбанк” АТБ Юнусобод филиали биносининг янги ишлаб чиқилган, тасдиқланган дастлабки режалаштириш чизмалари асосида бинонинг 1-2-қаватларида реконструкция ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик нозиратини олиб бериш бўйича махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Уч Қаҳрамон кўчаси, 7-уй. Телефонлар: (371) 221-01-00, 221-82-09. Нархлари фойзда кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Давлат хизмат маркази томонидан 01.05.2018 йилда № 605113 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “TERRA BAYT” МЧЖ (ИНН 305521764) таъсисчилик 16.05.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Олмазор тумани, Фаробий ва Университет кўчаларидаги Беруний автобекетида қабул қилинади. Тел: (90) 325-05-77. Тошкент вилояти, Зангиота тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 11.12.2017 йилда № 558400 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “MAX TOP STAR” ХК (ИНН 305169157) таъсисчилик 16.05.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Зангиота тумани, Туркистон Алдиберинов кўчаси, 18-уйда қабул қилинади. Тел: (93) 566-02-29.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг маълумотига кўра, 18 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шaroити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига иккуният яратди, шфoсланиши даражаси паст бўлади.

Азалдан шарқ халқлари, хусусан бизнинг миллий анъаналаримизда инсоннинг кийган либосига алоҳида эътибор қаратилади. Қадимдан шарқ кийиниш маданиятида ўзбек миллий кийиниш услубининг мавжудлиги, бой маънавий меросимизнинг дурдоналари сифатида эътироф этилиши бизда ифтихор туйғусини шакллантиради.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ЁШЛАРГА ТАЪСИРИ

Бугун тараққийётнинг жадал ривожланиши ҳар жаҳада янгиланиб, ривожланиб боришини кийиниш маданиятини ҳам, замон билан ҳамоҳанг ўзгариш боришини кузатишимиз мумкин. Ҳозирги даврда ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг кўп фоизини ташкил қилади. Шундай экан буюк келажак қурувчилари бўлган бугунги кун талабсининг кийиниш борасидаги диди, услуби, дунёқараши қандай? Улар соғлом турмуш тарзини олиб боришда нималарга эътибор қаратадилар? Шу каби саволларга жавобни олиш мақсадида кичик икхтимоий сўров ва кузатув, таҳлиллар асосида мавзу бўйича мушоҳада қилишга қарор қилдик. Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, турли ёт бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кийиниш маданияти, жумладан талабаларнинг энгидида либослари ҳам уларнинг дунёқараши, характери ҳақида маълумотларни бериши психологлар томонидан ўрғанилган. Талаба либосини асариятигимиз сипо, классик услубда, ихчам, ҳар қандай ҳашамлардан ҳоли бўлган сифатлар орқали тасаввур қиламиз. Шунини айтиб ўтиш кераки инсон саломатлигига кийим-кечак ҳам катта таъсир кўрсатади. Буюк қомусий аллома, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Синонинг ёзишича, либоснинг мукамал бўлиши саломатликка жуда катта таъсир кўрсатар экан. Ҳозирги кунга келиб, касалликлар сонни кўпайиб бормоқда ва деярли барча касалликлар энгил-елпи кийиниш оқибатида юзага келмоқда. Аммо асарият ёшларимиз кўр-кўрона “мода” деб аталмиш мутлақо, бизнинг менталитетимизга мос келмайдиган, сунъий-синтетик матолардан бўлган либосларни кийишди. Бу эса нафақат уларнинг маънавий дунёси, балки саломатлигига ҳам салбий таъсир қилади. Ота-боболаримиз табиий ипақ, пахтадан қилинган шарқона андозадаги кийимларни кийишган. Ҳозир бу либослар фақат сахна, байрам ёки махсус маросим либосларига айланди. Аммо юртимизга келаётган ҳарижлик сайёҳлар хунармандаларимиз томонидан қўл меҳнати орқали ишлаб чиқилган миллий матоларимизга ҳавас ва ҳайрат кўзи билан қараб, экологик соғлиғи, инсон саломатлиғи учун икхобий томонларини эътироф этишади. Хўш саломатлик деб аталган улкан бойликни бугун биз фарбга тақлид қилиб, кийган энгидидаги либосимиз билан йўқотаяпмизми? Бугунги ўсмир йигит ва қиз эртага оила бошлиғи, насн давомчиси она ёки ота бўлади, шундай экан оналик ва болаликни муҳофаза қилишининг таянч асосларидан бири – бу кенг жамоатчилик, таълим тизимининг барча бўғинларида кийиниш маданиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Табиийки бу жараёнда кўпроқ ота-она маъсуляти юқори бўлиши лозим. Фарзанди учун олиб бераётган кийимнинг ҳашами, беазаги ўн эмас, балки саломатлик учун ҳавф туғдирмаслигига эътибор бериши керак. Эеро, азалдан халқимиз ўзининг бой қадриятларига эга. Булардан бири маҳаллада қўни-қўшни фарзандлар тарбиясига барча маҳалладошларнинг маъсуллиги ҳам ёшларни тўғри йўналтириб туради. Талаба-ёшларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш борасида педагогик-психологик шароитларни тақомиллаштиришни тақозо этади. Хусусан бу йўналишда ҳар бир таълим муассасаси томонидан махсус низом ва йўриқномалар ишлаб чиқиш ва назорат қилиш лозим. Саломатликни мустаҳкамлаш борасида амалий билим ва кўникмаларни бериб бориш, ёшларда миллий қадриятлар асосида кийиниш маданиятини тарбиялаш ва ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Зотан инсон моддий эҳтиёжлари, унинг маънавий дунёсига, руҳиятига таъсирини психологлар ўз қарашларида асослаб беришган, энгидидаги либосни тўғри танлаш ва кийиш нафақат ички оламимизга балки, соғлиғимизга ҳам катта таъсир этишини англашимиз лозим. Хулоса қилиб айтганда бугун ёшлар мода, урф орқасидан, чет элнинг либосларини саломатликлари, келажак тақдирларида қўйилаётган зарарларини тўғри англашга ўргатиш бугунги куннинг талабидир.

Умида ДУШАЕВА, ЎзДЖТУ ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“TO Y-TERA KREDIT” МЧЖНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ №1-сонли шакл 31.12.2017 йил ҳолатига. Таблица с данными по курсаткчилам номи, сатр коди, хисобот даври бошига, хисобот даври охирига.

Тoшкент Оқшoми МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар (0-371) 233-28-95. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашринг экзэбиз бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Бoш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ